



Савол:

Ассалому алайкум, менинг саволим қуйдагича: Бомдод намозининг суннатини бомдоднинг фарзидан кейин ўқиса бўладими? Яъни Сиз жамоатга борганингизда улар фарз ўқиётган бўлса, уларга эргашиб, сўнг тугатиб , суннат ўқилса бўладими?

Жавоб:

Бисмиллаҳ вассолату вассаламу ала расулиллаҳ:

Сиз саволингизда зикр қилган вақт (бомдод фарзи ўқилгандан кейин то қуёш чиққунча) аслида нафл намозлар ўқишдан қайтарилган вақт. Бироқ уламолар бу вақтда шу кун бомдоди суннатининг қазосини ўқиса бўлади деганлар. Улар бу сўзларида Ибн Можа Кайс ибн Амр орқали расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисга суюнганлар: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозидан кейин икки рақъат намоз ўқиган кишини кўриб қолдилар. Унга бомдод намозини икки бор ўқияпсанми — дедилар? У фарздан аввалги икки рақъатни ўқий олмагандим шуларни ўқиб олдим — деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам индамадилар. Албоний бу ҳадисни “Саҳиҳ ибн Можа” (948)да саҳиҳ деди. Ибн Қудома деди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сукутлари бу амалнинг жоизлигига далолат қилади. (Муғний 2/523) (ал-Ислам С&Ж 20013)

Шунга кўра аввал жамоат билан намозни ўқиб сўнгра қуёш чиққунига қадар агар икки рақъат суннат ўқишга етарли вақт бўлса, ўқиб олади. Агар вақт жуда зиқ бўладиган бўлса кун чиқиб бир найза миқдорида кўтарилганидан кейин яъни 15 дақиқалардан кейин қазосини ўқиб олади.